



ЭШЛОҒИЧИ

1991 йил
9 февраль
Шанба

№ 23 (13.709).
Баҳоси: Обуначига — 6 тиён.
Сотувага — 10 тиён.

Ўзбекистон комсомол-
эшлари рўзномаси

• АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ!

• السلام عليكم، عزيزي موشتري!

1991 ЙИЛ — НАВОИЙ ЙИЛИ

Туркий она тилимизнинг забардаст суянчиги, улуғ ҳазрат Алишер Навоий умри мангуликка тенг асарлари билан қарийб 550 йилдирки, боқий хуршид янглиғ шууримизга маънолар хазинасининг зиёларини таратади. Инсофу-адолат, дину-диёнат, комил-имон, донишмандлик тилаган қалблар унинг зиё чашмасидан нур эмиб келади. Не-не инсонларни эзуликка, уларнинг ҳулқини комилликка етакламади, унинг оташнафас ғазаллари. Бугунги кунда диёримизда буюк Ҳазрат ғазали кириб бормаган хонадон иншооллоҳ, топилмағай.

Бу йил нафақат ўзбек халқининг, балки туркий-забон элу-элатларининг, қолаверса дунё аҳлининг байрамидир. Зеро, 1991 йил Алишер Навоий йили деб эълон этилди. Демак, йил бўйи ҳазрат Алишер Навоий уйимизда, ўйимизда, тўйимизда биз билан бирга бўлади. Демак, биз яна она тилимизнинг бой хазинасига доҳил бўлиш имкониятига эгамиз.

Навоийни тушунмайман деган ибора назаримизда ўзлимизни англамайман, деган билан баробардир. Демак, Навоийни тушуниш, ўзликни англаш имкони сизга муборак бўлсин! Бизга бу имконни берган ул зоти бобаркот ҳазрат Навоийнинг қабрлари нурга тўлсин!

Жумҳуриятимизда улуғ шоир юбилейи тантаналари бошланди. Унинг асосий тадбири шу йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтади. Қадрли муштарийлар, туркий она тилимиз мангу устивор экан, биз улуғ Алишер фарзандларимиз десак, иштибоҳ бўлмағай. Келинг, буюк бобомизга ўз эҳтиромимизни намойиш этайлик, унинг қутлуг номига муносиб бўлайлик.

Рўзномаимизнинг иккинчи, учинчи саҳифаларда сиз Алишер Навоий таваллуд санасига бағишланган мақолалар, ашъорлар билан танишасиз.



Партиянинг тарбиявий ишлари кучайтирилсин

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида бўлиб ўтган кенгашида янги шароитда партиянинг мафқуравий ва оммавий-сиёсий ишларининг асосий йўналишлари муҳокама қилинди. Кенгаш қатнашчилари — вилоят фирқа қўмиталарининг мафқуравий масалалар билан шуғулланувчи котиблар, шу соҳадаги фаоллар коммунистларни ўқитиб сий қурашга тортиниб турган шароитда партия давр талабларини ҳисобга олиб ўз ишларини қайта қуриши лозимлигини таъкидладилар. Бу ишда фирқа қўмиталари ва ташкилотлари меҳнаткашларнинг кенг табақаларига таянишлари, ижтимоий турмуш жараёнларига, янги иқтисодий, сиёсий ва маънавий муҳитни аждоғимиз келтиришга фаол қўшилишлари лозим. Юз берган мураккаб вазиятда содир бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини, фирқанинг мақсадларини одамларга тушунтириш зарур.

Фирқанинг тарбиявий ишларини кучайтириш лозим, — деб ҳисоблашди кенгаш қатнашчилари. Ҳозирги пайтда фирқанинг обрўси сўз билан эмас, балки иш билан мустақамланади. Бу ишлар энг аввало сиёсий ва иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришга, одамларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг ишончли системасини яратишга, уларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган.

Ҳозирги вақтда тенг ҳуқуқли, мустақил Совет Социалистик Республикалари Федерацияси сифатида иттифоқимизнинг келажак тўғрисидаги умумхалқ референдумига тайёргарлик қилиш муҳимдир. Янгиликлар иттифоқ қандай бўлиши ҳусусида айни халқ ўз фикрини айтиши лозим. Ўз иқтисодий, сиёсий нафсонининг қўлаб ишни ажралиш сари олиб бораётган, халқлар ўртасидаги азалий байналмилал алоқаларни бузишга таяёр турган кишиларнинг овозини фақат халқ овози бўлиб қўйишга қодир эканлиги таъкидланди. Шу муносабат билан кенгаш қатнашчилари барча босқичларда қонунийлик ва тартибни, иттизомни таъминлай-

Биринчи саҳифага мактуб

Наврўзга гулқоғоз керак

Ҳар йили янги йилдан бошлаб йилномаимиздаги қизил рақам билан битилган, ёзилган барча байрамларда гулқоғоз олиб, қариндош-уруғлар, ёру дўстларга жозибдор, ширин ва самимий сўзлар ила ибтидо қилинган орзу, истақлар йўллардим, табриклардим.

Бу йил бу анъанадан, одатдан воз кечдим. Қадрдонларимга табрикнома ёзмадим. Бундан ҳижолат чекканимча йўқ. Чунки, уларни иншола «Наврўз» байрамимиз билан чин дилдан, самимий қўтламоқчиман. Қадрдонларим, бола-чақаларим билан қир-адирларга, дарё ёки сой бўйларига чиқиб улуғ байрамимизни нишонламоқчиман. Хонадонимда дастурхон ёзиб, дўстларимни меҳмон қилмоқчиман.

Инчунин, халқимизнинг, тўронлар улусининг бу умидбахш йилнинг бошланганига бағишланган гулқоғозларни қаердан қидириш, излаш керак? Назаримда ҳеч қаердан. Чунки, бундай гулқоғозлар ҳали

босмахонадан чиқарилганича йўқ. Шунинг учун мутасадди ташкилотлар, кишилар жонбозлик, ҳайрихоҳлик кўрсатиб, марказий босмахоналарда ўлкаимизнинг бетакрор табияти, гўзаллиги акс эттирилган Наврўз ҳақида ёзилган шеърини мисралардан парчалар келтирилган, чиройли гулқоғозларни қўлаб, босмадан чиқарса нур улстига аъло нур бўларди. «С Новим годом!» ўрнига Наврўз айёминингиз муборак!» «Қутлуг бўлсин, Наврўз байрамингиз!», «Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!» деган битиклар битилган шафтоли, ўрик, бойчечак гуллари, сўлим гўшалар, зилол булоқлар сервиқор тоғлар кўм-кўк даладар, лозазор, қизғалдоқзорлар акс эттирилган ёки йилга қандай номлавишига оид гулқоғозлар бўлса, дўстларимизни, қариндошларимизни қўтласак...

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
Самарқанд қишлоқ ҳўжалик олий билимгоҳининг ўқитувчиси.

Шоир руҳини шод этиб

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳининг бир қатор куллиётларида ҳамда таъриб-мактабларида улуғ шоир, мутафаккир олим, жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган кечалар бўлиб ўтди. Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш куллиётинда бўлиб ўтган тадбир ана шулар жумласидан бўлди. Унда олий билимгоҳ талабалари, ўқитувчилари, комсомол қўмитаси ходимлари ва санъаткорлар иштирок этдилар.

Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида ГИМ куллиёти декани муовини С. Аҳмедов, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси муdiri Х. Қўдратиллаевлар сўзладилар.

Кечада Алишер Навоий қаламига мансуб ғазаллар ўқилди, санъаткорлар эса шоир ғазалларига битилган қўшиқларни маҳорат билан ижро этдилар.

М. АБДУКАРИМОВА.

Тошкент тиббиёт олий билимгоҳида ҳам Навоий таваллудига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Халқ қалбидан жой олган таниқли санъаткорлар Сора Эшонтураева, Зикир Мухаммаджонов, ғазуви Даладон Нурий, драматург Хайдар Мухаммад каби санъат ва адабиёт намоёндалари талабалар қосида улуғ шоирга бўлган эҳтиромларини намойиш қилдилар.

Кечада шоир асарлари ҳамда қилинган ишлар борасида талабалар ва зиёлар фикр алмашдилар. Тиббиёт олий билимгоҳининг 3. Азизқўшаева, ва К. Саидова каби жонқувар муаллимлари сатй ҳаракатлари шундай мулоқотга имкон яратди.

Шоир ғазалларидан ўқилган намуналар унинг шеърлари асосидан қўшиқлар, айниқса С. Эшонтураева ва 3. Мухаммаджонов ижро этган монолоғлар барчага манзур бўлди.

СССР Журналистлар уюшмаси VII қурултойида

Эдуард Сагалаев — бошқарув раиси

МОСКВА. «Ёш Ленинчи махсуз мухбири Жаббор РАЗЗОҚОВ сиз орқали хабар қилади.

Журналист ҳозирги кунда жамият тараққиётида, кундалик ҳаётда ҳар қачонгидан ҳам катта кучга айланиб қолди. Ҳатто, бу касб эгаларини «Туртинчи ҳокимият» деб ҳам ҳисобламоқдалар. Қайта кўриш жараёнида халқ учун, демократия учун бу касб эгаларидан кўпроқ хизмат қилган кишилар бўлмаса керак. Журналистларнинг Бутуниттифоқ қурултойида фахрли ва айни пайтда хавфли касб вакиллариинг сервиқор фаолиятига атрафилича баҳо берилди, вазифалари тўғрисида фикрлашиб олинди.

Қурултой Бутуниттифоқ журналистларининг батамом янги ташкилотига асос солди. Вакиллари янги қабул қилинган Низомга асосан конфедерация асосидан СССР Журналистлар уюшмасини туздилар. Ҳўш, у қандай ташкилот ёки уюшма бўлади? Конфедерация аъзоларининг шартномасида унга, жумладан, шундай таъриф берилди:

«Журналистлар уюшмаси конфедерацияси — батамом мустақил, ўз-ўзини бошқарадиган давлат идораларидан, сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмаларидан батамом холи ҳамда ҳисоб бермайдиган ижодий ташкилот бўлиб, журналистлар уюшмаларини ва оммавий ахборот воситаларидаги бошқа ижодий ташкилотларни шартнома асосида ўз атрафига бирлаштиради.»

Қурултой ишда жумҳуриятдан сайланган вакиллар анча фаол қатнашдилар. Музокараларда сўзга чиққан «Янги дунья» жумҳурият крим-татар рўзномаси бош муҳаррири ўринбосари А. Велиев, Ўзбекистон ССР Журналистлар уюшмаси бошқаруви Раиси Л. Кабирова ва бошқалар мар-

казий оммавий ахборот воситаларидаги жумҳуриятимиз шўънага ўринсиз таъна тошлари отаётган айрим журналистлар фаолиятини қаттиқ қораледилар. Янги ташкилот этилган уюшма бундай ўзбошимчиликларга ўз вақтида баҳо беради, деган умид билдирдилар.

Қурултой конфедерация асосидан СССР Журналистлар уюшмасининг янги Раисини сайлади. Ушбу лавозимга кўрсатилган муқобиллик асосидан номзодлар орасидан жумҳуриятимиз журналистлар ташкилотларида камол топган юртдошимиз, эндиликда Марказий ойна жомон муҳаррирларидан бирида хизмат қилаётган таниқли журналист, СССР Давлат мукофоти лауреати Эдуард Михайлович Сагалаев энг кўп овоз олиб, бошқарув раслигига сайланди.

Қурултойда СССР Олий Кенгаши Раиси А. И. Лукьянов

Шу соға сабаб

Ун иккинчи чақирик ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ТУРТИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТУГРИСИДА

Ун иккинчи чақирик Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари туртинчи сессияси 1991 йил 11 февраль соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мажлислар залида очилди.

Мукофотга тавсия этилди

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида болалар адабиёти кенгашининг маж-

лиси бўлиб ўтди. Таниқли ғазуви, Ҳамза мукофотининг соҳибни Худойберди Тўхтабоев болалар китоблари учун ажратилган қоғозларнинг бошқа нашрларга бериб юборилганлигини куюниб гапирди.

Йилгида кўпчилик бир овоздан Эркин Маликовнинг «7-Авда» ҳайта қуриш» қиссалар тўпламини Яиллик Гафур Гулом мукофотига тавсия қилишди.

Соҳиба АБДУЛЛАЕВА.

Яширинган миллион

Дўконлар пештахтаси бум-бум. Одамлар саросимада. Қимматчилик, қаҳатчилик ҳақида миш-мишлар юрди...

Яқинда эса... Давлат хавфсизлик қўмитаси вилоят бўлими ҳамда Урганч ноҳия БХСС бўлими ходимлари «ғаройиб» хазинага дуч келишди. Вилоят марказининг овлоқ гушларидан бирида, ярим айрона омордан улар минг қоп сара навли «Авангард» гуручи ҳамда етмиш тонна асал яшириб қўйилганнинг гувоҳи бўлишди.

Ҳўш, нимага бекитилган! Қандай топиб олинди! Муҳиримизнинг шу каби саволларига Хоразм вилоят

дават хавфсизлик бўлими бошлиғи, полковник М. ТАҒРИБЕРГАНОВ шундай изох беради:

— Маълумки, яқинда ҳукумат қарори билан 1961 йилда чиқарилган 50 ва 100 сўм қийматдаги пуллар алмаштирилди. Махфий иқтисодий эгалари узоқ йиллар турли йўлар билан топган, яқиндан хазиналари сирларини шойилинча сездариб қўйишди. Биз юқорида аниқлаган омор ҳам шунга дақдор. 23 январь кунин Урганч ноҳия матбуот жамиятига қаршли қишлоқ тайёрлов идораси «ишлатилмай қолган», деган баҳона билан бир миллион сўмни топширган. Миқдорининг катта қисми 50 ва 100 сўмлик қийматдаги пуллари ташкил этган. Бу пулни эса тайёрлов идораси аҳолидан ва хўжаликлардан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва қиш мавсумида аҳолига сотиш учун давлат банкидан олган. Идора директори Р. Қўрмобоев мазкур оморларда сақланган гуруч ва асалнинг қандай йул билан сотиб олингани ҳақида бирор тайинли ҳужжат кўрсата олмади. Аксинча... ички ишлар ходимлари ва чекистларни «сотиб олишга» уринди. Яъни, ишни тўхтатишга, кирк минг сўм миқдоридан порав яп-янги өнгил машина таклиф қилинди...

«Сулаймоннинг сирли хазинаси» ҳақида ҳозирча жуний гап айтиш қийин. Уни тергов ходимлари «бир

қилишди. Бозор нарҳида бир миллион сўмлик қийматга эга бўлган гуруч ва асал яшириб қўйилган» дегани вилоятда «ғаройиб», деган савол туғилди. Зеро, ҳуфни иқтисод эгаларига берилган кутилмаган зарба — янги қийматли пул ислохоти пулдорларни саросимига солиб қўйгани, улар «тиб қолгунча отиб қоп» қабилида иш тутиб, йўқотилган миллионларини қайтариш илкинда турли йўлар, усуллари ишга солаётганлари сир эмас.

«Болалигим уруш йилларига тўғри келди. Бунинг устига қонцагерга тушиб қолдим. У ердаги ҳаётни таърифлаш мушул. Оғир, жуда оғир. Қонцагерда 4-5 ышдан 17 ышгача бўлган болалар сақланарди. Ҳамма ишлайди. Қорин тўйиб оват өлмайсан. Тийим йўқ. Сим тўсиқлар билан ўраб ташланган қонцагер итлар билан қўриқланади. Бу жонзотлар та махсуз оват берилди.

Шундай бир воқеанинг гувоҳи бўлганман. Болалардан бири соқчиларнинг кўзини шамғалат қилиб оват излаб, ит уйчасига кирди. Буни қарангки, бора-бора ит ҳам унга өмиш қондира бошлади. Болаларга таш-

ленмай қўяди. Ҳамма ташгон. Қунарларнинг бирида қўлга тушган «даустлар» отиб ташланади.»

Юқоридagi лавқа кунин-кеча пойтахтдаги 64-мактабда ўқувчилар билан бўлган учрашувда «Хикоя қилинди. Уни қонцагерда 81884-номерада бўлган Николай Тимофеевич Молдованов сўзлаб берди. Мазкур учрашув аш антифашистларнинг халқаро кунин муносабати билан ўтказилди. 11 нафар жабрдийда Маутхаузен,

Дахау, Освенцим, Бухенвалдда ўтказган азоб-укубатли кунларини кўзда ёш билан эследи.

Ветеранлар мактаб ўқувчиларини намунали хулқ эгаси бўлишига ва ахши ўқишга қораледилар.

Муҳаммад АМИН.

СУРАТДА: Олжония, Австрия ҳамда Польша қонцагерлари тўтқунларидан бир гуруҳи мактаб ўқувчилари даврасида.

МУАЛЛИФ суратга олган.

ҒАЗАЛ

Чун илик бермаски, ўпсам ул ситамкор илгини. Бир киши илгини ўпайким, ўпгай ул ёр илгини. Чун ағри туфроғин ўнгунча топмон эътибор. Сунса ҳам ногаҳ, ўпарга не ҳадим бор илгини. Жон сотармен хоки пойнига нединким, аҳли бай Туттурлар сотқучи бирла харидор илгини. Зулфиндин, тонг йўқ, калимуллоҳдек этса аждаҳо, Ким яди байзодин айлабтур намудор илгини. Сўргали келса Масиҳим бошима доманкашон, Ул этакдин ким ола олғай бу бемор илгини. Доғу қондин бордурур улким очилмиш лолазор, Ҳажринг айёмида очсанг ошиқи зор илгини. Эй Навоий, билки ҳижрон даштидин бўлма халос, Сайр аро матлуб, агар тутмас талабгор илгини.

ҚИТЪАЛАР

Ажал чун муқаррардур ўлмак учун, бас тамъадин Недур юз ғам, ўтиға куйдурмак ўзни. Чу тугмоқдур ўлмак учун, бас не яъни, Улардин бурун ҳар дам ўлтурмак ўзни. Уч кишидин уч иш ёмон кўринув, Санга арз айлай аҳли дунёдин. Шоҳдин тундлуғ, ғанидин булх, Молға майлу ҳирс донодин.

«ҚАНОАТ ТАРИҚИГА КИР ЭЙ КҮНГИЛ»

АЖАБО! Бу қандай мўъжизаки, бир қалб шунчалик ҳикмат дурдоналарини, беҳисоб ганжини ўзига сиғдира олма. Маърифати илоҳидан баҳраманд бўлган қалбига бунга қодир. Мир Алишер бобомис шундай буюк қалб эгаси эканлигини дунё тан олгани ҳақиқатдур. Ҳазрати Навоийнинг назмию, насрий асарлари хусусида фикрлаш, чуқур денгини бўйлашга интилишдек гап. Бу денгида шунингидек ғаввос туганмас жаҳоидран ўз кўрби андозасида дур олиб чиқади. Ота мери-

қинга киргач, барқарорлик касб этади. Десаиғ шох ўлай, еру кўк бас дурур Бу бир тахту, ул чатри рифъат санга. Шоҳлиғни қўмсанг, тоқу тахт талашин, ўра-вонлик ва куч ишлатиш шарт эмас. Бу муддао учун ер билан осмон кифоя. Оёгинг остидаги ер — тахт, осмон — бошинг узра шоҳона чодир эканлигига етмакликнинг ўзи буюк шох-лин эмасми. Зеро, инсон замин соҳиби, жумла хил-қатларнинг гултожи экан-

«ҚАНОАТ ТАРИҚИГА КИР ЭЙ КҮНГИЛ»

сидан умидвор норасидадек мен ҳам шу денгианинг қирғоғиданман. Шояд уммондан натра насиб қилса. Навоийхонлиққа бош қўшиб, устознинг ҳаёт дарсидан берган сабоқлари ҳақида фикр юритсам қандай бўларди? Навоий сўзлари тилмоғча, таҳлилга мўҳтож бўлмасам ҳам, дарс танори, одамийлик анири манфаат-мағанин чадмоқча тиш бот-маса пиригимиз руҳидан ма-лад, саҳнага кетсанг авф сўраймиз. Қаноат тариқига кир эй кўнгил Кн хатм ўлгай ойини иззат санга. Шоир кўнгилга хитоб қилиб: қаноат йўлига кир, дер экан, иззат расмининг намолини шу йўлда деб билди. Демак, инсон қаноат тубайли азизлик мартабасига етади. Лекин кўнгилинг сифати югуринлик ва беқарорлик бўлгани учун ҳам бу йўл аъми мушкул кечади. Нафс рабаоти уни ҳамшира қалғилтади, турли кўйларга солади. Кўнгил қаноат тари-

лиги ҳар қандай олий мартабадан юқориқор. Нақш-банд тариқиди муришиди қомил бўлган Навоий қаноат йўлига кирганларини дунё-парастликдан йироқ бўлишга ундайди. Фано шуъласига ёшур жисмин Керак бўлса зарбаёт хилъат санга. Етар лола буткан қоя қулласи Мурод улса гулгун ҳашмат санга. Йўқлик маъносиди «фано» сўзи тариқат мақоми бўлиб, бу йўқлик илоҳий нур ичидидир. Бу мақомига етишган; жисмин шуъла ичра иширган солиққа зарбаёт хилъат — ялтироқ либос ҳожат эмас. Унга ҳашмат ва қасри ошидан кура тоғ атирағиди лолазор яхшиқор. Чунки, биринчиси дабдаба-ю, маҳобат рамзи, сунъий нақшлар, инсон ху-қини инъикоси бўлса, иккинчиси табиатнинг инъоми, беқубор ва тинч бир кўз-гуни, унда халқоқи олам-нинг қудрати намоён. Му-қофса қилганда, ленин шу

Навоий ташбеҳига кўра, тиланчиликни номус уйини куйдирувчи ўтга, иззат хирмонини созурувчи елга ментзайди. Бас шундай экан, бу феълдан ҳазар қилмоқ жойиз. Навоий, тамъа тухминн созма кўп Риё ашқидин анга сув очми кўп. Амал мазраъини эскали ерма ер Ҳаво-ю, ҳавас хирманни елга бер. Устоз Навоийнинг ўғит-ларига амал қилиб, қаноат йўлига кирсанг, ҳозиргидек забун холга тушмасдиқ, маънавий тубанликка юз тутмасдиқ. Нафс аждаҳоси нимларини ўз қомига торт-малди, мол-дунё жазабаси қилмаринг бошига қўлғат қолмади. Диннати унутган, етим-ситимлар, бева-бечора-лар, жафонаш халқ насиба-сига кўз олайтирганларнинг хазинаси қилмади, насаб қилди? Бунга ўйласанг, ҳар-ом бойлик, оқибатда, ин-соннинг икки дунёсини ҳам куйдиришига ишонасан.

Фозил ЗОҲИД



Маданиятнинг тарихининг ўлмас обидалари шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида оммавий суратда йўқ қилинган энди барчамизга аён. Бу офат улғу бобомис Алишер Навоийга ҳам четлаб ўтгани йўқ. Унинг ушбу нодир девони яқинда бузилган бир ўй девори орасидан топилди. Қайси бечора уни бу тахлит сақлаб қол-лишга жазм этган экан?

Шоир Музаффар Аҳмаднинг қафолат беришича анча озор топан бу девонда Навоийнинг шу кунгача эълон қилинган асарлари қирмаган ғазаллар мавжуд. СУРАТДА: аёй душманлари-хуруждан омон қолган девон саҳифалари. Ж. БОБОРАҲМАТ сурати.

Октябр инқилобидан сўнги ет-миш ун йил ичда адабиётимиз ва санъатини босиб ўтган йўл беҳис, мураккаб ва зафарлиқдур. Уш-бу даврда ўзбек муаллифларининг турли жанрларга молик талағига адабий асарлари майдонга келди, жуҳурятимиз миллий саҳнасига кўнлаб драматик ва музикали асар-лар яратилиб кўрсатилди, улар-нинг аҳамияти иттифоқимиз байнал-милал маданий ҳазинасини бойитиб-гина қолмай, балки жаҳон умуминсон-ий бадий қадриятлар олтин жам-ғармасига ҳам муносиб ҳисса, дур-дона бўлиб қўшилди. Илдини минг йилларга қараб кетган маданий меросимизнинг классик намуналарини саҳнада бадий муассасам иш-ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Эш-қилбодан сўнги йиллардаёқ ўзига хос ангина йўллари, таркибиди жа-раблари билан кўзга ташлана бош-лаган «маданий ҳаётимиз майдонига «бадий навоийнома» ва айниқса авваллари сира ҳам эшитилмаган «саҳна навоийномаси» сингари ту-шунчаларини, беназир атамаларини кириб келиши ҳам новаторлик, қим-матли кашфиёт бўлди. Шуровий ма-даний инқилобдан баҳра олиб, та-влюд топан бадий навоийномамиз ва унинг дебоси бўлиши — саҳна навоийномамиз кириб етиши йил мубокидига жиддий ютуқларни кўнга киритди. «маданий меросимизнинг бой ва ранг-ранг айналарини асар-б, таркибиди эштиришда, халқ ора-сида классик асарларимиз янада кенгрок, ёйлишида, нафосат тара-тишда, кишиларимизнинг маънавий қиёфасини шакллантириб, камол то-пишида, мезоийн ўрганиб, ундан ҳаётий сабоқлар олишда, ёш авлод-ларини ватанпарварлик ва байналми-лаллик руҳида тарбиялашда, янгидан янги бадий асарлар яратишда ўта муҳим аҳамият касб этди. Бунинг бадий навоийномамиз дурдоналари сифатида шухрат топан «Лайли ва Мажнун» муслиқ драмаси ва опера, «Сухайл ва Мехри» балети, «Алишер Навоий» романи, «Дил-ором» операси, «Алишер Навоий» кинофильми, қатор расому ҳайкал-тарошлар яратган шоир ва мутафак-кир сиймоси, ўнлаб театрларда саҳ-налаштирилган «Алишер Навоий» тарихий драмаси, «Навоий Астробод-да» аталмиш муслиқий драма ва яқи-дагига жумурият катта театрида муассасам этилган «Алишер Навоий» номли янги операларидан ҳам яққол кўришимиз мумкин. Бадий навоий-номамизнинг майдонга келишида энг аввало ҳазрат Навоийнинг ўз ижод бўстони, қолаверса, унинг генал-де «Хамса»си мислсиз омил бўлди. Мазлумки жаҳон умуминсоний қад-риятлари хазинасининг асл дурдона-ларидан саналиши Алишер Навоий-нинг шох асарларидан «Хамса»нинг

эратилганига қарий ярим минг йил бўлди. Уни йирлик тақрирчилар ат-рофида тавсифлаганлар, кўп тарих-чилар сиқиқлаб ўрганганлар, ўнлаб адабиётшунослар таҳлил этганлар, санъатшунослар ҳам у ёки бу тарзда ёндашганлар. Аммо бундан қарий етмиш йил аввал, йирик ўзбек шоири, миллий театримаининг қад-ригоч навоийдапаридан бўлиши Шамсиддин Шарофиддинов — Хур-шид Навоий «Хамса»сига бутунлай янгича асосда ёндашди, ундаги дос-тонларни сиқиқлаб ўрганиб, буюб-қалам соҳиб яратган ажойиб қаҳра-монларини драматургик асосда жош-лантиришни, уларга саҳна воситалари орқали жон то қилиб, таърида гава-далантиришни максат этиб кўйди ва шу боис «бадий навоийномамизга асос солиб берди. Хуршиднинг «Хам-са»га драматургия ва театр конунит-лари нуқтан назаридан энг дастлабки ёндашуви машҳур «Фарҳод ва Ши-рин» достонидан бошланган эди. Бу-нингдек олийжаноб интиқини у с-баби бор эди. Биринчиси — шоғирдин буюк устозга нисбатан чексиз, юксак ҳурмат-эҳтиром. Хуршид Алишер Навоийни болалик чоғлари-данок севиб ўқирди, кейинчалик эса унга эргашиб «азаллар ёзғанди, устод шеврларига муҳаммаслар боғлаб, ёшлгиданоқ ғўзал, жушқин, дардли мисрлар битиб, эл орасида шовён таҳсинга сазовор бўлганди. Ҳазрат Навоий салоҳиятидан баҳра олиб, унбо-ўсган ёш шоирнинг ўзи бу ҳа-қда мана шундай деб мисрлар бит-ганди: Ясавий, Жомий, Навоий Хуршид устоди экан, Бўлғусидир халқаро ашъорин ижод оқибат... Мана шу ҳурмат боис шоғирд уст-од шоир асарларини ва оруз-ният-ларини халқ орасида янада кенгрок ташвиқ этилишини, унинг қаҳрамон-лари саҳнада жонланб, гавдалани-шини истиди. Иккинчиси — меҳнат-кашларини инсонпарварлик, дўстлик, ватанпарварлик, байналхалқлик ру-ҳида тарбиялашда яқиндан ёрдам бериш; учинчиси — ёш шуролар ҳукумати чиқарган қаҳраган ерларга суз келтириш, боғу-роғлар бунёд этиш ҳақидаги тарихий декретни амалга оширишга даъват этуви ва ёрдам берувчи халқлик саҳна асарини майдонга келтириш эди. Ширини дўстлик, вафо, юксак муҳаббат, садо-қат, ватанпарварлик ҳамда қаҳрамон-лик каби энг яхши инсоний фазилат-ларини ўз ичига қамраб олган дос-тдидир. Унинг яна ажойиб ҳислатла-рдан бири шуки, ундаги баш қаҳра-мон — Фарҳоднинг ажойиб фазил-лати — ариқ қазиб, қақраган ерлар-га сув келтириш ва чўллари гулс-тонга айлантириш, элин ундан баҳра-манд қилиш каби халқпарварлик фа-зилати бор. Бу са драматург ўз олдига қўйган мақсадни амалга оши-

қурсатиладиган томошахоналарда кўрсатиш хатарли каби манфур ба-ҳонаю рўкачлар билан тўхтатишлар-га ҳо борилди. Тарих тилга кириб, ўша вақтлардаги қатор ҳужжатларга назар солсан мана шундай таъвозу-ларни яққол кўраман. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» музикали асарининг нусхаларидан бирида мана шундай мавн этуви бюрократик ижозатномани кўраман. — «25 фев-ралга 1924 года, № 238, разрешение и исполнению в театрах не обслужи-ваюших рабочих и крестьян... Бирок ўзининг олийжаноб мақсадини амал-га оширишда, ҳазрат Навоий асарла-рини халқ орасида ташвиқ этишда Хуршид сира толмади ва чекинмади. У буюк шоир «Хамса»сиди яна бир достонини — «Лайли ва Мажнунни саҳнага олиб чиқиш устиди янги иш-лари жадаллаштирди. Энди «бадий дон ошиб» бораётган драматургини ҳибсга олиш ҳам керак бўлиб қолди. Бу пайтларда Хуршид «Муштурда» ҳам ишламоқда эди. У «мехус б-лими» (особый отдел) томонидан қамқоқа олинди. — Умр йўлдошим — Хуршидми 26-

катта ургу берилган. У ҳар ишга қо-дир, доворак қаҳрамон бўлиб гава-даланади — у адолатли, фидоикор, ҳа-қиқий ошқ, пок муҳаббат эгаси. Ширин ҳам асарда тўлақонли гавде-лантрилади, у Фарҳодни дили-жон-дан севади, Ҳисрав макри, зуғми ҳам унинг садоқатини поймол қил-лолмади, Фарҳод дех у жон бера-ди... Достондаги сингари пьесада ҳам турли миллат, халқлар вакиллари ҳа-ракат қилдилар — уларнинг ватани ҳам, диний эътиқоди ҳам турлича, масалан Фарҳод — хитойлик (Хато шаҳридан — туркий), Ширин — ар-буғунги кунда Иттифоқимизда мил-латлараро рўй бериб турган қайғу-ҳазрат Навоий фондан Фондана йил аввал куйлаган халқлар дўстли-ги оқ қамчиқатлиги алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, Хуршид ярат-ган «Фарҳод ва Ширин» саҳна асарини дарғ хитойлик туркий Фарҳод билан ермиг қўзғали Ширинларнинг ҳавас қонлиғи, ҳар қандай миллат вакилла-ри учун ҳам ибаратомуз бўлиши ярмига келиб, Хуршидга яна «мил-латчи» тамгаси урилла бошланди, эн-ди уни «Фарҳод ва Ширин» орқали миллатчилик кайфиятларини тарғиб қилишда айблай бошладилар. Яна тегишли мақоламаларга қақришлар, турли анжуманларда бадном этиш-лар, танқидий саваллар бошланиб кетди. Бу борада фаоллик кўрсата-ётганлар орасида халқ комиссарлари Совети ҳузуриндаги санъат ишлари бошқармасининг бошлиғи Я. Горбу-новнинг камситувлари, ўша вақтлар-даги ҳавфсизлик маҳкамасининг бошлиғи — Апрессян сўроқлари ижод-корга алоҳида азиятлар беради. Нанкин муаллифининг ўзига, балки у яратган асарларга ҳам таъвозулар бошланиб кетди — санъат ишлари бошқармасига ўқиш учун берилгани «йўқолди». «Хамса»даги яна бир дост-он асосида яратилган ва муҳокама-га ҳавола этилган «Баҳром ва Дил-ором» саҳна асари ўйриланди, «Фар-ҳод ва Ширин»нинг муаллифлик ҳу-қуқига ҳам ёвуз чанг солинганди... Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитасига, ўртоқ Ақмал Икромов номига Ш. Хуршид ёзган арзномадан

БАДИЙ НАВОЙНОМАМИЗ

СЎЗ ОДОБИ

ша олиши мумкин:
Айлама ўз раъйинга
қўл эътиқод,
Муътамад эл райдин
иста қушод.

Навой бирор масала устидан бўладиган мажлислардаги кескин мунозараларни тан олади, уларни қўллаб-қувватлайди. Лекин қўзилиб кетган, аҳамиятсиз мажлисбозликнинг, ортиқча бахсларнинг ҳам кераги йўқлиги ҳақида гапириб, Бадиуззамонга шундай деб насихат қилади:

Тил ҳам инсоният маданиятининг тарихий жараёни маҳсулидир. Айни пайтда ҳар бир халқнинг миллий тили пайдо бўлишдан бошлаб шу тилда сўзлашувчи халқ руҳининг узлуksиз фаолиятини таъминлайди. Бу жараёни тўғри англай олган Шарқнинг бир қанча машҳур ижодкорлари-ю олим фузалолари туркий тилнинг мазкур вазифасини имконият даражасидан ҳам ортиқ юзага чиқаришга ҳаракат қилдилар ва бу ишнинг уддасидан чиқдилар. Урхун — Енисей обидалари», «Ху-

ТУҲФА

учун биз албатта ёзма ёдгорликларга мурожаат этамиз. Агар ўзбек тили тарихини ёритишга бағишланган ишларга назар ташласак, маълум бир даврдаги тилнинг товуш қурилиши, морфологик тўзилишига оид тадқиқотлар бирмунча салмоқли, лекин синтактик тўзилишига оид тадқиқотлар нам яратилганлигининг гуво-

чунки Навоий асарларидаги содда гап масалаларини ҳар қандай йирик ишларга сингирдириб қийин. Бунинг учун бир неча монографиялар яратиб кетдик. Шунинг учун ҳам монографияда Алишер Навоий насрий асарларидаги гап бўлаклари, мураккаб-лашган содда гапларнинг айрим турлари муаллифнинг диққат-эътиборида бўлади. С. Аширбоев гап бўлаклари, уларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари ҳақида сўз юритар экан, гап бўлаклари ҳақида ҳозирча маълум фикрларга ўз муносабатини билдириб, Алишер Навоий насридаги гап бўлакларининг ўзига хос хусусиятларини белгилашга ҳаракат қилади ва бу билан ўзбек тили тарихига оид манбаларнинг синтактик қурилишига бошқачароқ анъанавий қарашлардан чекиниш ҳақида фикр юртади.

Монография далилларга жуда бой. Ҳамма гап бўлакларининг турли кўринишлари, уларнинг маъно хусусиятлари батафсил таҳлил этилади. Айниқса кескин бағишланган қисмида кескиннинг таркибига кўра ҳам, маъносига кўра ҳам турлари ҳақида батафсил фикр юритилдики, Навоий насрий асарларидаги гап қурилишининг ўзига хос томонлари ҳақида батафсилроқ маълумотта эга бўламиз. Мазкур монография ўзбек тилшунослигида муҳим тадқиқотлардан бири бўлиб қолади. Ўзбек тили тарихи соҳасида кейинги йиллардаги салмоқли ишлардан бири сифатида олий ўқув юртида муҳим қўлланма сифатида ҳам фойда бериши мумкин. Айни пайтда Навоий юбилейига муносиб туҳфадир.

Насиҳон РАҲМОНОВ
Муҳаммаджон АҲМЕДОВ,
Сабоҳон ҲАМРОҚУЛОВА.



«Алишер дўсти Ҳусайн билан».

ЗИЙРАК НИГОҲ

Қайсида бир файласуф «рассомлар — ер юзининг оху-қўз кишиларидир», деган экан. Дарҳақиқат, мусавирлар нигоҳи оддий инсонлар қарашидан ўзгача, зийракроқ бўлади. Ёш мўйқалам соҳиб Алишер Ҳакимовнинг дастлабки асарларини кўриб, бунга нишон ҳосил қиласиз.

Алишер шундай ҳикоя қилади:

— Боччага, кейинроқ мактабга қатнаб юрган вақтларимда доим ҳар хил манзараларни ҳаёлимда жонлантиришни яхши кўлардим. 5-синфда ўқиб юрган кезларимда қаттиқ бетоб бўлиб, насалхонага тушиб қолдим. Соғайдим, лекин шифокорлар теда жавоб беришмади. Мен учун энг зеринлари, худди тўққунлик ҳолатидан қулар бошланди. Бир кун мени кўрган келишган отам ва онам майда-чуйда-лар билан бирга қалам, бўёқ ва қоғозлар олиб келишди. Ишонасизми, юрагимда қандайдир мен тушунтириб беролмайдиган мўъжизавий ҳолат рўй берди ва ҳали-ҳануз ўзимни расмларез, бўёғу-қўғозларез ҳис этмайман.

Алишернинг бу самийий ҳикоясини тинглаб, инсон қалбининг қабат-қабатидаги тўққунликларни не бир ҳаяжон, не бир жонлантирилари сезасиз. Ҳар қалай шундай одамлар борки, уларнинг ҳаётини ижодсиз тасаввур этмайсиз. Ажаб эмас, ёш рассом Алишер Ҳакимов шундай тонфа одамлар сирасидан бўлса.

Алишер 1973 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкентдаги 134-мактабнинг 8-синфини тугатгач, Беньков номдаги жумҳурият рассомлар билим юртига ўқишга кирди. Ҳозирги кунда мазкур билим юртининг 3-курс раунг-тасвир бўлимида ўқийди. Алишер кўпроқ графика жанрига қизиқади. «Мисгар», «Маҳит», «Сув чархалаги» каби иллюстрациялар шу қизиқлиқ, шу орау-умидлар мевасидир.

У ўзининг тасвирларида кўпроқ миллий урф-одатлар, ҳунармандчилик, тарихий ёдгорликларни сақлаш, халқлар дўстлиги каби мавзуларни ёритишга ҳаракат қилади.

Яқинда Алишернинг ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. У Ўзбекистон Халқ рассоми, няхотда ҳам учрайдиган истеъдод соҳиб Чингиз Аҳмаров билан учрашиш бахтига муяссар бўлди. Чингиз ага Алишернинг ишларига омад тилади, унга янги интилишлар ёр бўлишини истаб, йўл-йўриқлар кўрсатди. Ҳазрат Алишер Навоий сиймоларини, хусусан унинг болалиги ҳақида туркум яратилиши масаласи бериб, Алишер буюк мутафаккир ҳаётини ўрганди, унинг асарларини ўқиди ва шу таассуротлар асосида туркум яратишни ният ушла бошлади. Ҳозирча бешта эпизод битай деб қолди. Масалан: «Алишер яқод богнда», «Алишер Лутфий билан», «Алишер катта шойрлар дарвасида», «Алишер табиат қўйнида», «Алишер дўсти — Хусайн билан».

«Учар қушнинг қанотини қайирма» деган аjoyиб нақл бор. Не тонг, она дўғримиз бағрида яна бир ижодкор — мусавир Алишер туғилган бўлса. Юртини армонлар, қувонч ёр-ёрлари унинг қаламида жонлана олса.

О. АБДУСАЛОМОВ.



«Алишер яқод богнда».

ДАҲОЛАР ШИОРИ

Вера ФЕДОРОВА

Гарчи аждодларим ўрис бўлса ҳам,
Осиё кенглигин бир бўлагиман.
Ҳазрат Навоийни ўқийман ҳар дам
«Хамса»ни очаман муҳаббат билан.
Буюклар ҳикмати қоғозга тушган
Шундай бир ҳикматки яшагай абад:
«Форс, ўзбек хоҳ ўрис барча туғишган
Муҳаббат ажратмас на ирқ, на миллат».
О, буюклар руҳи сақла диёрим
Сенинг ўғитингни унутганлардан.
Бирдорин қонин тўқмоқда доим.

Улар — кўзи қонга тўлган оломон.
Бир ўғит келади замоналар оша:
Шойрлар — собитдур, шуҳратпараст — пуч.
Аҳмоқлар низокаш халқ орасида — куч.
Даҳолар шиори: бирликдадир — куч.
Дунёга муҳаббат қонуни ҳоким,
Ғояси ягона — одамийлик денг.
Ҳазрат Навоийни ўқиган чоғим
Англайман маъносини — мангуликча тенг.

Комил ЭРМУҲАММАД таржимаси.

Бўлма малул — улса кенгадга талош,
Асуру узуи доғи керажмас кенгош.
Кўриб турибмизки, Алишер Навоий нуғз маданиятига бағишлаб, аjoyиб фикрлар билдиришлар. Улуғ сиймо ижодининг шу томонлари ҳали адабиётшунослик ва тилшуносликда етарли ёрилмаган. Бу муаммоларни ўрганиш, эндиги муҳим вазифалардан биридир.

Бағу — ҳаёйинг. «Қўтад-гу билит» ва ундан кейинги бир қатор туркий тилда яратилган асарлар бунга гувоҳ. Алишер Навоийнинг туркий тилдаги асарлари, хусусан, насрий асарлари, туркий тил ва нуғзнинг имкониятлари чексизлигини кўрсатиб бериб.

Ҳар бир тилнинг қадимги ҳолати ҳақида ёзма ёдгорликлар маълумот беради. Айтайлик, бир давр тилининг лексик таркиби, морфологик тўзилиши, синтактик қурилиши ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш

ҳи бўламиз. Чунки гап чегарасини аниқлаш ёдгорликларнинг ҳаммасида ҳам мураккаб масала. Шу жиҳатдан филология фанлари номзоди Самихон Аширбоевнинг «Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари» номли докторлик монографияси ана шу қийин соҳада яратилган машаққатли меҳнат натижасидир.

Монографиядаги Навоий насрий асарларидаги содда гапга алоқадор барча масалалар қамраб олинмаган.

«Сўзини тааммул дер аҳли хуш»

А. НАВОЙИ.

Буюк шойр ва мутафаккир Алишер Навоий киши фазилатларидан бири ҳисобланмиш нуғз маданиятига катта эътибор берган. У инсон одоби, характери, дунёқарши ҳақида кўпгина асарларида кенг тўхтаган. Лекин бу масалаларни тил маданиятисиз тасаввур қила олмаган: «Ҳайратул — абдор», «Маҳбубул — қудуб», «Муҳокаматул — луғатайн» да бу мавзу юзасидан иборатомуз фикрлар билдирган.

Халқимизда бир мақол бор: «Бошинга қилич келса ҳам рост гапир». Навоий аввало ўз замонасида рост-ғўйлини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Хусусан ўзининг «Ҳайратул-абдор» дostonида шу мавзуга доир «Ростлик таърифиди...» деган махсус боб ҳам ажратган. Бунда шойр чин сўзлашга илжосиз қолсанг, индамай қўя қол, лекин ҳеч қачон ёлғон гапирма, дейди.

Неча зарурат аро қолгон чоғи,
Чин демас эрсанг, дема ёлғон доғи.

Ҳақиқатни бузиб гапириб шундай иллатки, унга ўрганиб қолмиш одамнинг обрўсини тўқиди, ўзини эса хорзорликка маҳкум этди. Навоийнинг фикрича, ёлғончиликни шойр қилиб олган, одам эркак ҳам эмас, мусулмон ҳам:

Улки шойр айлади ёлғон демак,
Бўлмас они эру мусулмон демак.

Ҳар томонлама ўйлаб гапириб инсоннинг донолигидан, ақл-заковатидан далолат беради. Сафсатабозликни, мантиқсиз фикрларни Навоий ҳам ёқтирмаган. У ўзининг шу дostonдаги ўғитларидан бирида шундай дейди:

Яна буким, яхши ёмон дема сўз,
Эл ёмону, яхшиёнга солима кўз.
Маълум бўладики, Навоий

билан китобхонни одамларнинг ҳар қандай худ-беҳуда гапларига қулқў тутавермасликна, шу билан бирга, ҳам-мадан айб қидирмасликна даъват этиди.

«Дано тоғиб гапирар», — дегандай, ўз фикрини маъноли, кишига оғир ботмайдиган сўзлар билан ифода-лаш — ҳам донолик, ҳам одобилик намунасидир. Навоий бу ҳақида, мулоҳаза юритиб, сўз билан одамнинг танасига пок руҳ бағишлаш ва аксинча, сўз билан тар-дағи тирик руҳни ҳалон этмиш мумкин, — дейди. Яхши сўз билан улганини тири-тири олган Исо пайғамбар ўзини «Жонбахш» сифатида дунёга маълум қилган:

Сўздин улукнинг танида руҳи пок,
Рух доғи тан аро сўздин ҳалок.
Тиргузуб улгани каломи фасиҳ,
Ўзига жонбахш лақаб дер Масиҳ.

Шу билан бирга «Маҳбу-бул-қудуб» асариди:
Олдинга келгани емек, хайвоннинг иши,
Оғзинга келгани демек, ишонининг иши,

деб ёзган Навоий одамларни шомасдан, ўйлаб гапириб-га чақиради. Унингча, бў-лар-бўлмас гапларни маст одамларгина гапириб, ўзга-ларга қулғи бўлиши мум-кин.

Муҳажир эрур маст чу айлар ҳуруш,
Сўзини тааммул билди дер аҳли хуш.

Алишер Навоийнинг тил одоби ҳақидаги ҳар бир сўзи чуқур мазмунга эга бўлиб, ҳозирги қайта қуриш, демократия-ва ошкоралик даврида ҳам чуқур маъно, янгича мазмун касб этиб бормоқда. Масалан, Навоий «Ўзининг гапим тўғри», — деб бошқаларнинг гапини менсмай, уларни камситадиган шахсларни манман-ликни ташлашди, ишончли, самийий кишилар билан маслаҳатлашиб иш қўришга чақиради. Киши шу йўл билангина ўз мақсадига эри-

Ўзбек адабиётининг тарихи ва ҳозирги ҳолати

Халқ комиссарлари Совети ҳузуридаги санъат ишлар бошқармасига. Нухаси муаллиф ўртоқ Хуршидга.

«Фарҳод ва Ширин» пьесасининг муаллифи ўртоқ Хуршид ариазсининг нухасини сизга юборайтирман...

Хуршидга бундай муносабатда бўлиши мутлақо нотўғри деб ҳисоблаймиз ва айбдорларни жазолашни талаб қиламиз. Йўл қўйиб бўлмайдиган аҳволни дарҳол тўхтатмоқ лозим. Расмий равишда Хуршидга этказилсин — «Фарҳод ва Ширин» пьесасига нисбатан унинг муаллифлик ҳуқуқи бутунлай сақланади...

Ўзбекистон ССР халқ комиссарлари Совети раисининг ўринбосари А. КАРИМОВ.

Адолат пеша қилганидан ўта қувонган Хуршид Москвада бўлиб ўтадиган «декада» муносабати билан тайёрланган «Фарҳод ва Ширин» мусиқали асари устида композитор В. Успенский, режиссёрлардан Манон Уфур, Юнгвалд-Хилкевич, Музафар Мухомедовлар билан ҳам-ижтihatликда марок билан ишлади.

омад кулиб боқмади». Акмал Икромов, Файзулла Ҳўжаев, Абдуллажон Керимовлар шахста сизнинг даврини кўрбони бўлдилар. Шу босиб кўламли замонда ўта илҳоз отган давр «салернилари» жазодан қўтилиб қолди, машҳур санъаткорни йўқотиш пайига тушиб олгандилар. Адолатсизлик, тошхаллик шунгача этиб борди-ки, муаллиф номи ҳаётга афшра ва программадан олиб ташланди, қалам ҳақи ҳам берилмай қўйилди, шайри асарлари, янги яратган пьесалари мутлақ босилмади ва саҳна юзиди ҳам кўрмашди, шу жумладан «Ойбон», «Сайраш», «Муҳаррама» ҳам... ноҳақлик гарди-селига урғанган ҳассос ижодкор ўйи-да 8 боласи билан ишсиз, қалам ҳа-қисиз оқ ўтириб, пахсаларга қўши-либ лой топди ва қора қозон кейи-тишга мажбур бўлди. Бироқ томоша заллари лиқ тўлиб қўрилган «Фар-ҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» лардан тушайтган ўн минг сўмлаб қалам ҳақи давлат бюджетига ўт-казиб юборилмади. Ота шаънига асосиз урилган қора тамгалар ка-софети фарзандларга ҳам зарар

ҚАЛДИРҒОЧИ

Натижа няхотда юксак даражада бўлди — 1937 йилининг майида итти-фон қойтаҳида буюк Алишер Навоий дostonи бўйича драматург Ш. Хуршид пьесаси асосида яратил-ган «Фарҳод ва Ширин» ўта зўр му-ваффақият қозонди. «Правда», «Из-вестия», «Советская культура», «Ве-черняя Москва», «Советская музика» лар саҳифаларида ижобий баҳо бе-рувчи мақолалар, мазмунли тақриз-лар босилди. 1937 йил, 24 майда «Правда» рўзномаси шундай деб ёз-ганди: «Фарҳод ва Шириннинг кат-та ва чинаяк муваффақияти — мил-лий жумҳуриятлар санъатида рўй бераётган аjoyиб инқилобнинг яна бир шаҳодатидир...» Ҳа, бу катта га-лаба эди.

Москвадаги «декада» — ўзбек санъати ўн қулғи муваффақияти муносабати билан ижодкорларнинг катта гуруҳига орден ва медаллар берилди, катор санъаткорлар фахрий унвонларга ҳам сазовор бўлдилар, шу жумладан композитор В. Успенский, режиссёр Э. Юнгвалд-Хил-кевичлар ҳам нишондор бўлдилар. Аммо «Фарҳод ва Ширин»ни не-не машаққатлар билан яратгани таланти драматург Ш. Хуршидга таъниқли санъаткор, Фарҳод ролининг ижро-чиси Карим Зокоров ҳазиломуз айта-ридек ичойнак қонқоғи ҳам тегма-ди... келгусида ҳам Хуршидга «Бахт,

берди, етти ўғил, қизлардан бирон-таси олий билимгоҳларга ҳам қирол-мади — «халқ душмани», «касилин-қилбонининг фарзандлари эди-да, улар...»

Хуршид энди Ўзбекистон Компар-тияси Марказқўмининг биринчи коти-би У. Юсуповга арзнома юборишга мажбур бўлди. Бироқ унинг оху-доди эътиборсиз қолиб кетаверди (ушбу хат нухаси ҳам сақланиб кел-моқда, уни ўқисанг, азувчилар беэ-вақ тутади)... Эзувчилар уюшмаси ҳам унга гапхўрлик кўрсатмади, ак-синча 1946 йилда Тошкентда ўтказил-ган эзувчилар конференциясида уни «миллатчи» сифатида ушбу уюшма аъзолиги сафидан ҳайдадилар. Тақо-вуз 1951 йилга келиб авжга минди — Ўзбекистон КП (б) МК бюросининг 8 апрелдаги қарориди ҳам, ундан кейинроқ бўлиб ўтган Марказқў-мининг XII пленумида ҳам машҳур «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Ма-жнун»лар муаллиф томонидан «мил-латчилик» асосида яратилган деган бўҳтонлар айтилди — бу яна ўша шахста сизнинг даврида палка ёз-ган «ждановчилик»нинг, ВКП (б) МК-нинг «Звезда», «Ленинград» ойномал-лари ҳақидаги, Ахматов, Зощенко-лар тўғрисидаги адолатсиз қарор-нинг акс садоси эди... Эндиликда адо-лат қарор топди, зора жумҳуриятда ҳам ушбу ҳужжатлар бекор қилинса, Ахир, КПСС Марказий Қўмитаси

ўзининг махсус қарори билан ана ўша ВКП (б) МКнинг мазкур қарори-ни хато деб толиб, бекор қилди-ку!

1917 йилдаёқ «Интернационални» ўзбекчага таржима қилган, 1918—1919 йилларда «Туркистон Интернациона-ли» ва «Марсельезасини» яратишга муваффақ бўлган шойр, драматург ўз шаънига «миллатчи» тамғасини босилишига сира чидай олмади. У аламини қаламидан олиб, жигар хуни билан ёзилган дардли мисра-лар орқали нола қилди.

Дев мисол ганкилар, ваҳший палитлар.
Кўксимни куйдириб тамга босдилар.
Ва бўҳтон дорига тортиб шаънимга,
«Миллатчи» сўзига «зўнор» оسدилар.
Кимга дод дейман-у, бир нажот истаб!

Улгумча қилгум мен оҳу наволар,
Эл ичра берсин деб додим садолар!

Ғаму-алам остида эзиниб адо бўл-ган шойр, драматург гўё асият қил-

мо, «Салмо», «Юсуф ва Зулайхо», «Қоронги тарих», «Кичик аскар», «Жаҳид ва Қадим», «Буюк аскар», «Заволли Ватан», «Қўқон хони, қил-чоқлар», «Шаҳзода ва тиланчи» «Қарболо воқеаси» каби саҳна асар-лари ҳам мавжуд. Турли халқлар драматургияси, жаҳон классикасидан ўзбек тилига қилинган таржима пьесалар ҳам 20 дан зиёддир. Маълум-ки Хуршид биринчи бўлиб инқилоб-дан кейинги йиллардаёқ ўзбек тили-га Шекспир, Шиллер, Марк Твен, Жюль Верн, Хусайн Жовид, Узейр Ҳожибеков каби машҳур ижодкор-лер асарларини таржима қилиб, то-мошабинларимизга ҳавола этганди. У саҳна шекспирномасига, шиллер-номасига, ҳиндистонномасига ҳам дастлаб асос солиб берганди. Ҳас-сос қўшиқчи-шойр сифатида ҳам у катта ном қозонди, унинг қаламига 1917 йилдаёқ чоп этилган «Хуррийат мевалари» тўплами; юздан ортиқ инқилобий қўшиқлар, маршлар, «Уш-шоқ», «Чоргоҳ», «Сөгёк», «Дугоҳ», «Гиря», «Фигон», «Мустаҳзад» синга-ри классик куйлар билан ижро эти-либ келаятган ашулар мансубдир. Аjoyиб ва сермаҳсул ижодкор жур-налистика соҳасида ҳам баракали қалам тортатиб келган. Унинг мақо-лалари, ҳажвий шайрлари «Содой-Фарғона», «Мулла Насриддин», «Муш-тур», «Иштирокюн», «Содойи Тур-кистон» рўзнома ва ойномаларида ҳам, С. Петербургда нашр этилган «Ал-минбар»да ҳам ёритилиб турган. Таъриқлигимизни, маорифимизни ривожлантиришда ҳам таъниқли театр таъкилотчиси катта хизматлар қил-ган; янгича мактаблар бунёд этишда фаоллиги кўрсатган маърифатпарвар, мохир педагог Хуршиднинг хизмат-лари ҳам баракалидир. Унинг жуда катта меҳнатлари ўзбек миллий му-зикали драмаси ва опера санъатининг таваллууд топиши ҳамда равақ эти-шига ҳам бағишланган.

Ҳа, Шамсиддин Шарофидинов Хуршид миллий маданиятимиз тарихи-да биринчи бўлиб бадий Навоий-номасига кўприк ташлаб берди ва инқилобдан кейинги дастлабки йил-лардаёқ саҳна навоийномасига асос солишга муваффақ бўлганди. Унинг драматургик салоҳияти, юксак ижод-корлик иқтидори тўғрисида Алишер Навоийнинг дostonлари асосида яратилган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» музикали драмалари жумҳуриятимизнинг даврий бarcha театрларида сақналаштирилиб намо-йиш этилди, уларни миллионлаб то-мошабинлар кўриб, юксак маънавий бойлики орттўдилар. Кейинчалик маънур номдаги асарлар асосида Хуршид либреттолари бўйича даст-лабки миллий опералар ҳам саҳна юзиди кўрди — улар жамоатчили-гининг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Буюнги кунда, буюк бобомиз Али-шер Навоий таваллуудининг 550 йил-лиги муносабати билан ўта мураккаб,

9.00 «Қизил қор ёнқанда». Бадий фильм (М. Горький номи киностудия). 10.15 Уш-уш машқари. Спорт кўрсатуви. 10.45 «Вилот сахналарида». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Раҳим Шукуров. 11.40 «Алифбо сабоқлари». 1-босқич (такпор.). 12.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.05 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 13.35 Самарқанд вилот, Урганч ноҳиясидаги «Бешарсақ» ансамблининг концерти.

18.00 «Бир бор экан, бир йўл экан, бир асалари бўлган экан». Мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Кичкинтой» кўрсатуви. 18.45 «Эртан табассуми». Кинокўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навой гулшани». Адабий-мусликий кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Навой гулшани». Адабий-мусликий кўрсатувининг давоми. 21.30 «Мисва». «Вақт». 22.15 «Навой». Бадий фильм («Ўзбекфильм»). 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

9.00 ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ.

8.30 «ТСН». 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.30 «Ватан хизматлари». 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 Саҳбатчилар клуби. 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Мусликий киоск». 15.00 «Веди» программаси. 15.30 «ТСН». 15.45 «Марафон-15». 17.00 МТ 1 нинг якшанба променад-концерти. 18.40 «Уолт Дисней таништиради...».

Якшанба кинозали 19.30 «Наездник, менинг дўстларим». Мультфильм. 20.05 «Қорасоқ маҳбубам». Бадий фильм (АҚШ). 21.30 «Вақт». 22.15 «Ўқма-са» — учириб кўйинг. Ҳажвий-дам олиш кўрсатуви. 23.15 Л. Лешченко куйлади.

Тунги телевидение 00.15 «Лўлилар бори». Фильм-концерт. 01.35 «Вертикаль бўйлаб пойғалар». Телевизион бадий фильм. 3-серия.

8.30 Зарядкага сафлангани 8.45 «Тим лақабли ўрдак». Мультфильм. 8.55 Қоляк. 9.00 Қонқанда югуриш спорти. Жаҳон чемпионати. Эраклар. Голландиядан кўрсатилади. 10.05 А. Бариленко чақалди (гитара). 10.35 Болалар учун фильм. «Эсин эмас дарахти» (Минси телевидение студияси). 10.55 Миллий бастебол ушшаси профессионаллари ўртасида бастебол бўйича АҚШ чемпионати.

11.55 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНЕСИНИНГ «ДУСТИК» ВИДЕОКАНАЛИ

15.25 Чағри спорти. Жаҳон чемпионати. 10 мти. Хотинқизлар. Италиядан олиб кўрсатилади. 17.20 Россиянинг парламент хабарномаси. 17.35 «Планета» Халқаро программа. 18.30 «Осиё овози». 3-қисм. Олма-Отадан кўрсатилади. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Асраб, авлодларга етказ». Краснодардан кўрсатилади. 21.30 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 22.15 Муаллифлик телевидениеси. 00.15 «Вена экспресси». Бадий фильм (Венгрия). 01.05 Чағри спорти. Жаҳон чемпионати. Трамплиндан сакраш. Италиядан кўрсатилади.

«Ёш ленинчи» рўномаси ҳузурдаги «Шуъла» адабий уюшмасининг набатдаги машғулот шу йил 10 февралда, якшанба кунин соат 14.00 да жумҳурият ёш ижодкорларининг «Илҳом» клубида ўтказилади. Машғулотда «мир Алишер ёнида» мавзуда мушоира бўлади. Барча адабиёт ихлосмандларини таклиф этамиз.

ЎЗ ОВОЗИ БОР

Телевизор қўйсам, бир хонанда куйлаётган экан. Унинг овозини эшитдим. Сехрли туриб қолдим. Қўшиқ тугагач, бошқа хонандага навбат берилди. Аммо ўша йигитнинг овози кўлоғимда қолди. Қўшиқнинг сўзлари аниқ эсимда: **Меҳмон бўлиб қалбинга бир йўл, То умрбод қолсин муҳаббат. Ихтиёрим олганин каби Ихтиёринг олсин муҳаббат.** Қўшиқ ижросининг ҳеч кимникига ўхшамаган овози юқори пардаларга кўтарилганда бу овознинг жиллолини, ниҳоятда ҳазиллигини айниқса диққатимни тортди. Айтган қўшиқнинг чуқур мазмунга эга эканлигиндан шеър танлай билишини ҳам

шарди, — дейди жумҳурият радиоси ёш ҳаваскорлар билан ишлаш бўлими муҳаррири Нуриддин Аминжонов. — Биз у билан «Ижодкор ёшлар клуби» мусликий эшиттиришида учрашув қилдик. Бу учрашувдан сўнг «Талабларга жиоан» концертимизда Жаводбек Қозимовнинг ҳам овози янграй бошлади. — деди мусликий эшиттиришлар бош муҳарририяти бўлим бошлиғи Ҳанима Илҳимова. Яқинда Жаводбек билан учрашиб, унга қуйидаги саволларни бердим: — Қўшиқчиликда келажакнинг қаттиқ ишонасизми? — Агар овозим бирор ҳофизиникига сал ўхшаганда ҳам қўшиқ айтмас эдим. Агар ўзбек шоирлари бун-

— Шеър қандай танлай-сиз? — Биласизми, одам яхши қўшиқчи бўлиши учун бугунги кунда яхшигина адабиётшунос ҳам бўлиши керак. Куйга тушмайдиган шеър деган гап бор қўшиқчилар орасида. Ўша шеърни ўқиб йиғламас экансиз, дардли қўшиқчи бўлолмай-сиз. Мен яқинда Шукур Қўрбоннинг «Оламдаги ҳамма йўللار бошида Онажонлар ўлтиришар интизор», деб бошландиган шеърини олдим. Шеърдаги дард шу шеърни танлашга мени мажбур этди. Мен шеър танламайман, шеърнинг ўзи-ўзини танлатади. — Ҳозир ёшларга мусиқадан дарс берасиз. Мусиқа дарслари дастури сизни қониқтирадими? — Биз программаларни қайта кўриб чиқишимиз керак. Қайта кўрилар ҳам. Аммо санъатда асосан юрак, талант ҳал қилади. Ҳозир мусиқа асоблари кўп ва арзон. Аммо бирорта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчилари Ёшасига рубоода дарс ўтмайди. — Ахир сиз мактабда ўқиган даврларда ҳам бошланғич синф ўқитувчилари Ёшасига рубоода дарс ўтмаган-ку? — Шундай, аммо биз рубога мўъжизага қарагандек қарардик. Рубоби бор одам — энг бахтли одам эди, назаримда. Рубобининг бир қалимин учун ўртоғининг қўйларини кун бўйи боқиб келардик. Рубобининг икки соат берадиган ўқитувчи лўнда энг саҳий одам эди, мен учун. Ҳамма ишда истак биринчи ўринда туради. — Устозингиз ким? — Жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби Раҳман Ҳамроқуллов. — Жаводбек, сизнинг янги қўшиқларингиз сизни 20 дан ошиб қолди. Замонавий қўшиқчилик ҳақида фикрингиз? — Илгари радиодан «пахта» ёки «партия» сўзи бўлмаган қўшиқ ўтмас эди. Мулқлақ пахтадан йироқ бир севги ҳақидаги қўшиқимга ҳам, «пахтакор севгим», деб қўшиқ буюрилди. Мен ўша қўшиқдан воз кечмаган. Вутун бахт нима-ю, бахтсизлик нима ўз номи билан куйламоқдамиз. Қўшиқчилик ростга кўчди. Бу ёни яхши бўлади.

Сўхбатдош Зулфия МУМИНОВА.

К А В А Р А В А К

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

Олег Блохин бош тренералик қилаётган Грециянинг «Олимпикос» командаси бутунги кунда кўпчилигини тилига тушган. Пайшанба кунини эрталаб Афина аэропортида хунук воқеа юз берди. Греция чемпионатининг навбатдаги ўйинида «Олимпикос» дарвозасига сўнгги минутларда гол уриб, голкипер келган маҳаллий АЕК командасини кўтлагани ишқибозлар пешвоз чиқинганди. Қўтилмаганда, аэропортда «Олимпикос» командаси ўйинчи ва раҳбарлари пайдо бўлишди. Дарғазаб бўлган мухлислар ҳақоратомўз сўзлар билан уларга ташлашди. Фақат махсус чақирилган полициячиларнинг ҳаракатлари туфайли уларни тарқатиб юборишга муваффақ бўлинди.

Эслатиб ўтамиз, ушбу командаларнинг олдинги ўйини бетараф Родос шаҳрида ўтказилди «Олимпикос» 2:1 ҳисобида олдинда бораяганда ўйингоҳдаги мухлислар жанжали туфайли қолдирилганди. Шашка бўйича Ўзбекистон биринчилиги чорак финал учрашувлари якунланди. Ушбу мусобадада етти иконтдан 6,5 очко тўплаган А. Соликов, А. Аҳмедов, 5,5, Р. Суярақов 5 очко тўплаб бош совринларни қўлга киритти.


Пастлабки беш ўринни оғалган шашкачилар энди март ойида Навоий шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон олий лига мусобақасида баҳслашишади.

қудим. Ансамблдаги йигитлар ичиде баланд бўйли бўлгани учунми ўзи чалаётган анкардионга энгашиб куйлар эди у. Дарҳол телевидениега кўнгирак қилдим. Телефон тўшагини кўрсатув муҳаррири Сотволди Абдувоҳидов олдилар. Мен қўшиқнинг сатрларини айтиб, ижросини ким эканлигини сўрасам, жуда хурсанд бўлиб: «Дарров едлаб ҳам олибсизку қўшиқни. У ўз йўли бор йигит — Жаводбек Қозимов. Самарқандлик. Самарқанд муаллимлари олий билимгоҳида дарс беради», дедилар. Шундан кейин бу овоз жумҳурият радиосида ҳам тез-тез кўлоғимга чалина бошлади.

— Умдас. Жамолнинг «Вор бўлсин муҳаббат», Ғазаф Иброҳимовнинг «Сўрмағил», Олим Қўрбонбековнинг «Вр ўн саккиз ёшнинг», Эрон халқ қўшиғи «Марамжон» каби қатор қўшиқлари Жаводбек ижросида ҳаво мавжларида таралган, қўшиқ ихлосмандларидан кўплаб мактублар ола бошладик. Ҳамманинг саволи бир хил — бу йигит ҳақида аниқ маълумот ва янги қўшиқлар беришимизни сўра-

чалик дардли шеърлар ёзма эди, қўшиқ куйламасдик. Келажакка ишонаман. Ўратган қанча умр берган бўлса, ўшанча меҳнат қиламан бу йўлда. — Қўшиққа ҳавас қачон уйғонган? — Мен болаликда жуда кампаг бўлган эканман. Бир кун отам мени мусиқа билан юртига ўқинга борасан десалар, йўқ бормайман дебман. Шунда отам тол ҳинч билан роса саваланганлар. «Ота рози, худо рози» деган гап бор. Отам бир буюк орау билан мени билан юртига етаклаган эканлар. Шу даргоҳда қўшиқ айтганидан бўлдим.

— Жаводбек мана сиз форс-араб тилини, эрончини, туркча, тожикчини яхши биласиз. Нега кўпроқ ўзбек классик қўшиқларини айтасиз? Ахир сизда жуда катта — ҳамма мусулмон юртлари қўшиқларини куйлай олиш имконияти бор. — Мен дўстларимиз тилида албатта қўшиқ айтман. Чунки уларнинг қўшиқларини уларга маъқул қилиб куйлаш учун раҳматли Ботир Зокировдек узоқ ишлаш керак.



Қўшиқнинг сердор келганлиги учунми, Чимён тоғларидаги дам олиш масканлари ҳар доимидан ҳам танжум. Шашка, якшанба кунлари тоғлар қўйинда дам олиш учун бу ерга қандай ранжиде қўлаётганларини сон-саногни йўл. Ўтган бозор кунин ҳам шундай бўлди. Биров отаси билан, биров онаси, бировлар бутун бир она бўлиб келишган. Тоша ҳавода янгириб дам олган бир кунинг шаҳардаги сиқилиб янаган ўн кунинга татийди, яйраганин танидан чиқайди, дейишди дам олувчилар.

Е. БОТИРОВ олган суратлар.

Текинхўрнинг орзуси

Мен истайман ош бўлса-ю, Иш бўлмаса муҳаррар. Ез бўлса-ю, қиш бўлмаса. Кунинг ўтса мунаввар.

Бозор кезсанг расгаларда, Тўлиб турса ноз-неъмат. Дўқонлардан олаверсанг, Не истасанг марҳамат.

Фақатгина мулла жиришг, Сурамаса ҳеч киши, Яшаш ҳамда талпинишинг, Юз бермаса ташвиши.

Мен истайман учар гилам, Олиб юрса йўлингизда, Аловиддин чироғи ҳам, Бўлса доим қўлингизда.

Шинюлгани жанубгани, Етсанг лаҳза ўттуганга, Ғам-ташвиш не ҳеч билмасанг, Уйринг ўтаб кеттуганга.

Мажлисларда фақат сени, Мақтасалар минбардан. Мувофотлар нима-ну, Дон-дун келса омордан.

Ширин-ширин тушлар кўрсанг Завқ-шавқ олиб бир дунё, Берган лутфи-таъбиринга Бўлсалар дол, маҳляё.

Фақатгина келиб турса, Чикармасан бир дирхам, Тилладинми бермасан-а, Жағни қоқиб олса ҳам.

Мен рошман нари дунё, Келса бесас, беозор. Бу дунёни соттуғи арзон. Топилса текки мазор.

Туракул ХУЖАҚУЛОВ.

Кўргазмада ҳаваскор раском Нодир Носиров асари сира кутилмаганда шов-шувга сабаб бўлди. Бир қараганда расмда киши диққатини тортадиган ҳеч нарса йўқдай туюларди. Одам бўйи келар-келмас энисиз матога басавлат эрик сурати солинганди. Унинг қомаги хил эгилган, бир қўли олдинга, иккинчиси орқага чўзилган. Бермоқлари нимадир сўраётгандай ярим юмлик. Кўпчанга юзиде заҳил табассум қотиб қолганди.

Биров жилмайиб, биров бафарлик билан расмин томоша қиларди. — О, ярамас, сартарошлар, — пичирлади новча одам суратга тикилиб. — «Чўтал» ундиршимини қақшибди. Е ҳаммомчилар «ной чақ» олишимини эрз қилишимини? Қўшининг тепага қайрилгани, шляпанинг ренги худди меник-я. Хайрият, тағига «манайи» комбинат директори деб азишмабди. — У

шляпанини қўлига с б нари катаркан, қалампир: жа дўп-ли кийган оксоқ олди расм олдига келди. Бошимга гоҳ баланд, гоҳ паст қилиб расмини кўраганг суратди. — Суратдаги кишининг бир оғзи иккинчисидаги узғирокли! — Йўқ, тепа-тепа — пичирлади ундан сал орқада турган киши. — Мана бу чизик ҳи сеамин! — Йўқ, дедоринг арири шеклилли. — Ростини айт, суратнинг қаеридир менга ўш япни-а? — Сира ўшмабди! хўжа-йин. Сурат бизиники «Автобаз» директори Шохроҳ Райимович деб эзим йишур-ди. Ахир, ҳозир сичи дан чўчмайдаган оралин пайти-ку.

— Гапинг тўри. Шундай бўлса ҳам янги авто-минини учун кимлар «сева» берганини аниқлаб қўй. — Шохроҳ Райимович ҳессасини ше-

СУРАТ

(ҲАЖИВИЯ)

— Тағига нима ёзилибди? — сўради у қўлини бизгиз қилиб. — По...пора...хўр, — ҳамроҳлардан бири ёзувини ўқиди. — Нонисоф, тузимини ичиб тузалимизга тутурибди, — гининда бошлик. — Директорни қақиринглари! Ҳамроҳлардан бири шошн-

ригига бериб йўлида давом этди. — Кўргазмадан одам узилмасди. Тушга яқин бир неча ҳамоқчи билан тўладан келган киши сурат рўперасида тўхтади. — Келсинлар, Мамиржон Мансурович. Хизмат!

— Кўргазма ҳомийси бўлсаму, ниманга суратини чиқардингиз? — Мамиржон Мансурович қақр билан шивирлади. — Расм сизиники эмас, — директор хайрон бўлди. — Уч-тўртта дўстларинг менга ўхшашини айтиди. Овғидаги чех туфлисин айнан меники. Тўғаллар ҳам ўхшайди. Билмаман сизлар савдода ишлайдиган ҳаммани юлғич, поряхур деб ўйлабсизлар. Адасасиз! Каминга бузоқнинг ҳақи бор деб сизир сўтинини ичмайдинган пок одам. Қараг, бақбақаси ҳам меникига ўхшайди. — Бу бақбақа эмас, жонинг соясч. — Берибир ўхшайди. Расмин дарҳол олиб ташланглари! — Илоҳи йўқ, муаллиф жанжал кўтаради.


— Бўлмаса мен жанжал кўтарамен! Муаллифингизни тўдметчи деб сўдга бераман. Каминга билан ўйнаши қанақалигини билиб қўйди. Тавабига теваниши аниқ. Хурматли прокуроримизнинг ҳам суратдагида юзиде ҳоли бор, илоҳишти галстук тандади. Хобер топса, сиз ҳам жазобини қолмайсиз. Яқинлича олинги! — Хўп, муаллифга тушунтиришга уриниб кўраман, — деди директор юшбас. Ҳозир ҳамма асабини. Жанжал кўзгатадиган ростдан кўра, тинчлатадиган йлгон афзал. Мамиржон Мансурович қўлини орқага қилганича тез юриб кўргазмадан чиқиб кетди.

Эртасига расм боғидайд жойида турар, фақат эркининг олдинги қўлида қизил, бошқасида оқ «тиргул» бўлиб тағига «Ошиқ одам» деб ёзилганди. Нўрмон МУҲДИНОВ.

КРОССВОРД * КРОССВОРД *

ЭНИГА: 1. Жумҳуриятимиздаги олий лига футбол жамоаси. 5. Жумҳурият туркум радио эшиттиришининг биринчи. 8. Қуриш анжумани. 10. Мато тўни. 11. Силдиқ тили тўтларининг кенжа оиласи. 12. Ютуз, ғалаба. 14. Арча байраги меҳмон. 16. Шафқатсиз эзич, истибод. 18. Қамария йил ҳисобида тўнқизини ойнанг арабча номи. 19. Қизлар исми. 21. Ўзбек-шўро ёзувчиси. 22. Югославиянинг пойтахти. 26. Жамоа хўжалиги раҳбар. 28. Товон. 29. Аҳвол, руҳият, кайфият. 31. Иккирач ёки ферма эгаси. 33. С. Айнинг асар. 34. Миррих. 35. Улка касалиги. 36. Пахта етиштирувчи вилот.

БҒИНИГА: 1. Пичан ўсган жой. 2. Қонил, зулф. 3. Қисса. 4. Лирин қўшиқлар ижросини, ҲаССР халқ артисти. 5. Деҳқон яхтиридаги ер. 6. Пул муомаласи билан шуғулланувчи муассаса. 7. Туб сон. 8. Ислом диниданг ишқилар. 9. Байрам одди кун. 15. Тикув машина тури. 17. Ўзбек зарб устали мусиқа асбоби. 20. Спорт тури. 21. Хурсанд, шод. 23. Мухтор жумҳуриятлардан бири. 24. Ўғил болалар исми. 25. Янбола шаҳри билан биродарлашган шаҳар. 27. Африка шимолдаги давлат. 30. Барно аёл, қозанич. 32. Меҳнат, машаққат. 34. Генрих ва Томас исмли немис ака-ука ёзувчилари.



Тузувчи: Фаёз ҒАФУРОВ.

Бош муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Муқаддас АБДУСАМАТОВА, Зиявуддин ОРТИҚХУҲАЕВ, Нарин РАҲИМОВ, Фаррух РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Зайнабдин РИХСИЕВ (муҳасил қотиб), Қўрбон ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчи: Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси (УЧРЕДИТЕЛЬ ЦК ЛКСМ УЗБЕКИСТАНА) Рўнома 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

БЎЛИМЛАР: Ёшлар ёшбаси — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-55-98; табиат ва экология — 32-57-52; иқтисодиёт ва тижорат — 32-58-47; ахлқ ва ахлоқ — 32-57-52; спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; халқ таълими — 32-58-48; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; қабулхона — 32-56-58.

Мазингоҳимиз: 700083. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Индекс: 64607, 330.000 нуҳсада чоп этилади. Рўномани ҳафта-нинг сешанба, чоршанба, жума, шанба кунлари чиқайди. Яна рўномани кўришунгиз!